



**«ТУРКИСТОН» ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ  
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ  
БАЁННОМАСИ**

Тошкент шаҳри

Сана 2017 йил 22 май

- Умумий йиғилиш ўтиш жойи: **Тошкент шаҳар, Амир Темури 1 – тор кўчаси, 6-уй манзили бўйича жойлашган ХАТБ «Туркистон» Юнусобод филиали биноси.**
- Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **16:00**
- Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **16:50**
- Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **17:00.**
- ХАТБ «ТУРКИСТОН» овоз берувчи акцияларига эга бўлган акциядорлар овозларининг умумий сони – **27 791 342 дона.**
- Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати тузилган сана – **2017 йил 16 май.**

Йиғилишни Банк Кенгаши Раиси Ф.Р. Мустафаев очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини кутлаб, Йиғилиш қворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни санок комиссияси аъзоси Ф.Р. Ходжаевга берди.

Санок комиссияси ахбороти:

Марказий Депозитарий томонидан 2017 йил 16 май ҳолатига шакллантирилган «Туркистон» Хусусий акциядорлик – тижорат банки акциядорлар реестрига мувофиқ, Йиғилишда овоз бериш учун 159 та акциядорга тегишли 27 791 342 дона акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 18 428 427 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 11 та акциядор рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг **66,31%** ни ташкил этади.

Шундан кейин, Раислик қилувчи Ф.Р. Мустафаев йиллик умумий йиғилишини очик деб эълон қилди ва йиғилиш баённомасини юритиш учун котиб этиб Эгамбердиев Отабек Абдумаликовични сайлашни таклиф этди.

Таклиф бир овоздан қабул қилинди.

**Бир овоздан қабул қилинган ва эълон қилинган Қарор:**

Йиғилиш котиби этиб Эгамбердиев О.А. тасдиқлансин.

Йиғилишда раислик қилувчи Ф.Р. Мустафаев Йиғилиш Кун тартибини эълон қилди.

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Банк санок комиссияси аъзоларининг шахсий таркиби, ваколатлар муддатларини тасдиқлаш тўғрисида.
2. Акциядорлар йиллик умумий йиғилишини ўтказиш регламентини тасдиқлаш тўғрисида
3. Банкнинг 2016 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари бўйича йиллик ҳисоботи ҳамда Банк бошқарувининг банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлари тўғрисида.
4. Банк Кенгашининг банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирларни ўз ичига олган 2016 йил якуни бўйича ҳисоботини эшитиш.
5. Банк фаолиятининг 2016 йил якунлари бўйича Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
6. Банкнинг 2016 йил якуни бўйича соф фойдаси ва ўтган йиллар тақсимланмаган фойдасини тақсимлаш.
7. Банк Кенгаши аъзоларини сайлаш.
8. Банк тафтиш комиссияси таркибини сайлаш.
9. Банк Бошқаруви Раиси билан тузилган меҳнат шартномасининг амал қилиш муддатини узайтириш.
10. Банкнинг жойлаштирилган акцияларга қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган акциялари миқдорини белгилаш.
11. Банкда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.
12. Банк Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ва киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар матни лойиҳасини тасдиқлаш.

Кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш натижалари эълон қилинганидан сўнг, овоз бериш натижалари бўйича қабул қилинган қарорлар эълон қилинди.

Акциядорлар умумий йиғилиши,

**ҚАРОР ҚИЛДИ:**

1. Кун тартибидаги биринчи масала бўйича:

1. Банк санок комиссияси бир йил муддатга қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

- Ходжаев Фаррух Рахимджанович;
- Қосимов Умиджон Содикович;
- Тургунов Жахонгир Ахаджонович.

2. Кун тартибидаги иккинчи масала буйича:

2. Акциядорлар йиллик умумий йиғилишини ўтказиш регламенти иловага асосан тасдиқлансин.

3. Кун тартибидаги учинчи масала буйича:

3. ХАТБ «Туркистон» Бошқарувининг банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларни ўз ичига олган 2016 йил молия-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича йиллик ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин ва тасдиқлансин.

4. Кун тартибидаги тўртинчи масала буйича:

4. ХАТБ «Туркистон» Кенгашининг банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларни ўз ичига олган 2016 йил якуни бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин ва тасдиқлансин.

5. Кун тартибидаги бешинчи масала буйича:

5. ХАТБ «Туркистон» Тафтиш комиссиясининг 2016 йил яқунлари бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин ва тасдиқлансин.

6. Кун тартибидаги олтинчи масала буйича:

6.1. Банкнинг 2016 йил якуни бўйича соф фойдаси 4 560 208 905,29 сўм ва ўтган йиллар тақсимланмаган фойдаси 1 178 974 722,26 сўмни ташкил этганлиги маълумот учун қабул қилинсин ва қуйидагича тақсимлансин:

- Умумий захира фондига – 230 000 000 сўм ёки 2016 йил соф фойдасининг 5,04 фоизи миқдорида;
- Иштиёкли кредитлаш фондига – 230 000 000 сўм ёки 2016 йил соф фойдасининг 5,04 фоизи миқдорида ажратилсин.
- Банк Кенгаши аъзоларини моддий рағбатлантириш учун:
  - 53 000 000 сўм яъни 2016 йил соф фойдасининг 45 602 089 сўм қисми ёки 1 фоизи ва ўтган йиллар тақсимланмаган фойдасининг 7 397 911 сўм қисми миқдорида ажратилсин;
- Дивиденд тўлаш фондига: – 4 688 361 392,70 сўм яъни 2016 йил соф фойдасининг 4 054 606 816,29 сўм қисми ёки 88,9 фоизи ва ўтган йиллар тақсимланмаган фойдасининг 633 754 576,41 сўм қисми миқдорида ажратилсин;

6.2. Ўтган йиллар тақсимланмаган фойдасининг 537 822 234,85 сўм қисми келажакда тақсимлаш учун тақсимланмаган фойда сифатида қолдирилсин.

6.3. Ҳар бир акция учун 168 сўм 70 тийиндан дивиденд ҳисоблансин.

- Дивиденд тўлаш бошланиш санаси 01 июн 2017 йил;
- Дивиденд тўлаш тугаш санаси 21 июл 2017 йил қилиб белгилансин.

6.4. Ҳисобланган дивидендлар пул маблағлари билан тўланиши ёки акциядорларнинг ёзма розилигига асосан Банкнинг қўшимча чиқариладиган акцияларини сотиб олишга йўналтирилиши мумкин.

6.5. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 156 моддасига асосан дивиденд сифатида олинган даромадлар юридик шахсларнинг Устав фондига йўналтирилганда солиқдан озод қилиниши маълумот учун қабул қилинсин.

7. Кун тартибидаги еттинчи масала буйича:

7. 2017 йил учун ХАТБ «Туркистон» Кенгаши таркибига Sagdullayev Ne'mat Xikmatovich, Ашуров Эркин Дониёрович, Рабиев Махмуд Мухитдинович, Мустафаев Фаррух Равшанович, Nasirxodjayev Olimdjon Kaxordjanovich тасдиқлансин.

8. Кун тартибидаги саккизинчи масала буйича:

8. 2017 йил учун ХАТБ «Туркистон» Тафтиш комиссияси таркибига Gazibayeva Svetlana Axmatjanovna, Azimov Raximjon Adiljonovich ва Lelyuk Lianna Valerevna тасдиқлансин.

9. Кун тартибидаги тўққизинчи масала буйича:

**9. ХАТБ «Туркистон» Бошқаруви Раиси Мирсагаев Отабек Рустамович билан тузилган меҳнат шартномаси муддати 1 йилга узайтирилсин.**

**10. Кун тартибидаги ўнинчи масала буйича:**

**10. Банкнинг жойлаштирилган акцияларга қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган акциялари миқдори номинал қиймати 1000 (бир минг) сўм бўлган 12 000 000 (ўн икки миллион) дона оддий, ҳужжатсиз, эгасининг номи ёзилган акциялардан иборат этиб белгилансин.**

**11. Кун тартибидаги ўн биринчи масала буйича:**

**11. Банкда корпоратив бошқарув кодекси талабларини бажарилиши юзасидан ўтказилган баҳолаш натижалари маълумот учун қабул қилинсин ва маъқуллансин.**

**12. Кун тартибидаги ўн иккинчи масала буйича:**

**12.1. Банк уставига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар иловага асосан киритилсин.**

**12.2. Банк уставига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар матни лойиҳаси иловага асосан тасдиқлансин.**

Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар эълон қилинганидан сўнг, йиғилиш раиси Ф.Р. Мустафаев акциядорларга уларнинг иштироки учун миннатдорчилик билдириб, йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди.